

Аллоҳнинг улуғ сифатлари билан хулқланинглар!



16:00 / 12.12.2023 2269

مَلْسُو هَيْلَع هَلَلَا ىلِص هَلَلَا لَوْسُرْتَعْمَس لاق: لاق امه نَع هَلَلَا ىضِر رَمَع نَبَا نَع
بَنَدُفْرَعْتَا: لَوْقِي فُهِرْتَسِي وَهَنْكَه يَلْعُضِي فِ نَمُؤْمَلَا ىنْدِي هَلَلَا نِإِ « لَوْقِي
هَسْفَن ى فِ ىرُو ىرُو بَوْنَدْبُ هَرَّرَق اِذْ ى حَبْر ىأ مَع نِ لَوْقِي فِ اِذْكَ بَنَدُفْرَعْتَا اِذْكَ
بَاتْكَ ىطَعِي فِ مَوِي لَّا كَلْ اِهْرُغْ اَن اُو، اِي نَدَلَا ى فِ كَيْلَع اِهْتَرْتَس لاق كَلْ ه دَق ه نَأ
مَهَبْر ىلَع اَوْبَدْكَ نِي ذَلَا ءالوه: دَاهَشْ اَلْ لَوْقِي فِ قُفَان مَلَاو رُفَاكَلَا اَم اُو ءهْتَانَسْح
«نِي مَلَاظَلَا ىلَع هَلَلَا ءنَع لْ اَلْ».

Ибн Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Аллоҳ (Қиёмат куни) мўминни ўзига яқинлаштириб, бир томонини қўйиб тўсади-да, фалон гуноҳингни ва пистон гуноҳингни биласанми?- дейди. У мўмин: «Ҳа, эй Раббим! деб

гуноҳларига иқрор бўлади. У ҳалок бўлдим, деб ўйлайди. Шунда Аллоҳ таоло унга қарата: «Дунёдаги ҳаётингда ўша гуноҳингни яширганим каби бу кунда ҳам ўша гуноҳларингни кечираман», - деб яхшиликлар китобини берилади. Аммо кофир ёки мунофиқ кимсага: «Гуноҳлар: «Ундай кимсалар (қиёмат кунда) Парвардигорларига рўбарў қилинурлар ва барча гуноҳ: «Мана шулар Парвардигор шаънига ёлғон сўзларини сўзлаганлар» дейдилар. Огоҳ бўлингизким, бундай золимларга Аллоҳнинг лаънати бўлур»», дейди. (Худ сураси, 18-оят).

Ибн Умар розияллоҳу анҳу кетаётсалар бир киши йўлда унга йўлиқиб: «Қиёмат куни банда билан Рабб ўртасида бўладиган сўзлашув ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бирор нарса эшитганмисиз» деган эди, Ибн Умар розияллоҳу анҳу: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан мана шу ҳадисни эшитганман, деб юқоридаги ҳадисни зикр қилдилар.

Бу ҳадисда Ибн Умар розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган икки қўрқинчли мавқеъни айтмоқдалар.

Биринчи мавқеъ: Аллоҳ мўмин бандага яқинлашиб, уни тўсиқ билан ихота ва беркитиб сир қилган ҳолда: «Сен фалон куни, фалон жойда содир этган гуноҳингни эслайсанми?» - деса, мўмин киши титраб, ҳижолат чеккан ҳолда: «Ҳа эй Раббим, эслайман», дейди. Яна Аллоҳ таоло: «Ана бу гуноҳингни эслайсанми?» - деса мўминни хавфи кучайиб, қалби ағдарилган ҳолда: «Ҳа, эй Раббим эслайман», дейди. Мана шу каби Аллоҳ мўмин бандасига гуноҳларини санайверганидан банда изтиробда гуноҳларига иқрор бўлаверади. Бу қўрқинчли ҳолат давом этавергач, у мўмин гуноҳига яраша азобланишга аниқ ишониб қолади. У содир этган гуноҳи сабабли аниқ ҳалок бўлгувчиман, деб фикр қилиб турганида, гуноҳларни кечирувчи меҳрибон бўлган Раҳим Зот Аллоҳ нидо қилиб: «Эй бандам! Мен сени дунёдалиқ пайтингда гуноҳингни беркитган эдим. Бугун эса гуноҳингни кечираман. Эй фаришталарим, унга яхшиликлар китобини беринглар ва жаннатга элтинглар», дейди.

Иккинчи мавқеъ: кофир ва мунофиқларнинг мавқеъси бўлиб, уларни пешоналаридан тутиб, саф ичига киритиб, худди ҳайвонни бўғизлаш ўрнига олиб борилгани каби олиб борилади. У ердагилар у кимсага қараб

туришади. Шу ҳолда уни адолат маҳкамасига олиб борилади, у Аллоҳ ҳузурида ноумид бўлиб туради. Раббиси: «Сенга неъмат бермаганмидим? Сенга элчи жўнатмаганмидим? Ундай ва бундай нарсаларни бермаганмидим? Мендан ҳаё қилмасдан ёмонлик қилиш билан курашдинг-а? Яхшиликларни ато қилсам ҳам Мендан бошқага ибодат қилдинг-а? Фалон куни фалон нарса қилгандинг-а?» дейди. Кофир ёки мунофиқ кимса ўнг томонига қарайди. Дўзахдан бошқа нарса кўрмайди. Атрофини азоб берувчи, қўпол фаришталар ўраб олади. У «Эй Раббим нафсимга ижозат бермасам ҳам гувоҳлик бермоқдаку? дейди. Аллоҳ таоло: «Бугун ўз нафсинг ўзингга қарши етарли ҳисоб-китоб қилгувчидир»- деб, оғзига муҳр уриб қўйилади. Аъзоларига сўзла! дейилади. У гуноҳ ва хатоларини сўзлайди. Кейин у билан сўзи ўртасини ҳоли қилиб қўйилади. Аъзоси: «Сенга ор бўлсин, мен билан доим курашар эдинг. Мана энди адолатли подшоҳ томонидан ҳукм фаришталарга берилмоқда. «Уни ушлаб кишанланглар. Сўнгра дўзахга ташланглар. Сўнгра узунлиги етмиш газ бўлган занжирга солиб боғланглар.» (Ал-ҳаққо сураси,30-32- оятлар), дейилади. У ерда гувоҳ бўлганлар «Мана шулар Парвардигор шаънига ёлғон сўзларини сўзлаганлар» дейдилар. Огоҳ бўлингизким, бундай золимларга Аллоҳнинг лаънати бўлур» (Ҳуд сураси, 18- оят), деб айтишади.

Яратган Раббимизнинг меҳрибончилиги нақадар улуғ! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Аллоҳнинг улуғ сифатлари билан хулқланинглар!»-деб марҳамат қилганлар. Ҳа азизлар, келинлар ўзаро кечиримли, бағрикенг ва олийжаноб бўлиб яшайлик.

Жалолиддин домла Ҳамроқулов